

ШАРТНОМА №3

Асака тумани

«01» 07 2022 йил.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «KOZIMOV ELEGANT» МЧЖ (бундан буён «Бажарувчи» деб юритилувчи) унинг номидан рахбари Х.Козимов бир томондан Асака тиббиёт коллежи номидан унинг рахбари Д.Камбарова иккинчи томондан (бундан буён «Буюртмачи» деб юритилувчи) куйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Бажарувчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра куйидаги махсулотларни тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса ушбу махсулотларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами сумма
1	Парга	Дона	240	475 000	114 000 000
2	Стул	Дона	240	130 000	31 200 000
ЖАМИ:		Х	Х	Х	145 200 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 145 200 000 (бир юз қирк беш миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Хисоб – китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

2.2. Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг, 5 банк иш кунида «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар хақи умумий суммасининг 30 % миқдоридан яъни, 43.560.000 сўмни олдиндан аванс тариқасида «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 % ёки 101.640.000 сўмни «Бажарувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» томонидан 30% яъни, 43.560.000 сўмни олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг, «Бажарувчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган махсулотларни (ишларни) «Буюртмачи»га етказиб беради.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирганлиги учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Агар «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини копланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Товар (махсулот)»ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг қийматидан 0,1 % миқдоридан, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдоридан жарима тўлайди.

4.2. «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Товар (махсулот)»нинг 25% миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи»га «Товар (махсулот)»ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдориди пеня тўлайди. Бирок, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулот)» қийматининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун ўз вақтида хак тўламаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдориди пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар коидага кўра мустакил равишда судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан хал килинмайдиган низола Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига асосан белгиланган тартибда хал қилинади.

6. ФОРС – МАЖОР.

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «Ёнғин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари», агарда тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низола белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухри бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартномани томонлар имзолаган кундан кучга кириб, ҳудудий Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Бажарувчи»

«KOZIMOV ELEGANT» МЧЖ

(таъминотчининг номи)

Манзили: Андижон вилояти, Андижон тумани,
Айрилиш МФЙ, Ҳовуз бўйи кўчаси

х/р 2020 8000 4054 3843 7001

Банк номи: «Ipoteka-bank» АТИБ, Истиклол филиали.

ККС таъминотчининг коди: 303070173136

МФО: 00068 СТИР: 308861244

ҲСД: 31090



Ҳ.Козимов

«Буюртмачи»

Асака тиббиёт коллежи

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Андижон вилояти, Асака тумани, Асака
шаҳри. *Буюртма 1А уй. ИИН: 200246202*

х/р: 400910860032247092600054001

Банк номи: *Модий Вазирлиги Ҳазначилиги*

УБИ 23402000300100001010

МФО: 00014 СТИР: *201122919*

М.Б. Таъиш Б.Б. ХКМ



Д.Камбарова

ЮРИСТ ХУЛОСАСИ

Андижон шаҳри

«01» июль 2022 йил

Мен Валиев Холматжон Андижон вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош юристконсулти Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан Асака тиббиёт коллежи билан “KOZIMOV ELEGANT” МЧЖ ўртасида тузилаётган 2022 йил «01» июльдаги №3-сонли умумий шартнома суммаси **145 200 000** (бир юз кирк беш миллион икки юз минг) сўмлик парта-стул сотиб олишга доир шартнома лойиҳасини ўрганиб чиқиб:

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, жумладан Фуқоролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига жавоб беради.

Пудрат шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланган.

Пудрат шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Тарафларнинг икки томонлама жавобгарлиги тенг белгиланган, меъёри ва низоларини ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Мазкур шартнома Асака тиббиёт коллежининг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланса бўлади.

Андижон вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош юристконсулти:-



Х.Валиев